*Узбекистон Республикаси Хакамлик Судлари Ассоциацияси томонидан тадқиқланган норматив асосларга мосланган наъмунавий шартнома*

# Юридик ёрдам хизмати кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) №02/03-сон

**Урганч тумани.** **2022 йил «03» февраль**

**«ЎзХСА» хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Хоразм вилоят ваколатхонасига** қарашли бўлган, Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил май ойининг 4 кунида №3-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган **Урганч туман Хакамлик Суди**, II-даражали судьяси **Рахимова Дилдора Жуманазаровна** *(бундан кейинги уринларда ишни юритувчи)* деб хизмат гувохномаси рақами **№22-02-043** билан деб юритилади ва "Урганчтрансгаз" ЭК га қарашли Ишлаб чиқариш техник бўлим ва таъминот бошқармаси (бундан

*(Корхона ташкилот ёки Ф.И.Ш. фукаролик паспортидаги маълумотлар)*

*кейинги уринларда ишонч билдирувчи юридик ёки жисмоний шахс деб юритилади)*. Биргаликда тарафлар деб аталувчилар қуйидаги мазмунда мазкур Битим (шарнома)ни туздилар.

## I. Битим (шартнома)нинг предмети.

1. Урганч туман Хакамлик Суди томонидан ишонч билдирувчи юридик ёки жисмоний шахсга Қишлоқ хўжалиги техникалари, махсус занжирли экскаватор ва трактор тиркамаларига ***"мулк хуқуқини эътироф қилиб бериш тўғрисида"*** <u>**давлат божи ва почта харажатлари**</u> тўлангандан сўнг Урганч туман Хакамлик суди томонидан ушбу махсус техникаларга <u>**Суд қарори**</u>ни чиқариб даъвогарга тақдим қилишда юридик ёрдам хизмати кўрсатилиши тўғрисида Битим (шартнома)нинг предметидир.

## II. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари.

**2. Урганч туман Хакамлик Суди:**

юзага келган муносабатларга хукукий бахо бериш, ушбу соха бўйича қонунчилик далолатномалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг материалларини саралаб тўплашни амалга оширишга;

ишонч билдирувчи даъвогар шахс томонидан зарур маълумотлар ёки, қонунда белгиланган хужжатлар такдим килинмагунга ёхут мазкур Битим (шартнома) бўйича ҳақ тўлаш хисобига даъвогар томонидан бошланғич тўловлар тўланмагунга қадар ўз вазифаларини ёки уларнинг қисмини бажаришга киришмаслик;

мазкур Битим (шартнома)га мувофик кўрсатилаётган юридик ёрдам учун тўланадиган ҳақни ишонч билдирувчи шахсдан ўз вактида тўлиқ хисоб китоб қилишни талаб килиш;

агарда иш хажми мазкур Битим (шартнома) тузилиши пайтида мулжалланган иш хажмига нисбатан жиддий кўпайганида мазкур Битим (шартнома)нинг таркибий ва ажралмас қисми бўлган қўшимча Битим (шартнома) тузиш йўли билан хакни мутаносиб кўпайтиришни талаб қилиш ҳуқукига эга.

**3. Урганч туман Хакамлик Суди::**

мазкур Битим (шартнома)га мувофик ўз вазифаларини шахсан бажариши;

ишонч билдирувчи шахсга иш бўйича барча холатлар ва келиб чикиши эхтимоли бўлган оқибатларни тушунтириши;

иш буйича узининг позициясини хамда мулжалланаётган харакатларни ишонч билдирувчи шахс билан келишиши;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларининг ижроси жараёни ҳақида ишонч билдирувчи шахсга маълум килиши;

ушбу иш бўйича Урганч туман Хакамлик Суди досьесини олиб бориш, зарурат бўлганда уни ишонч билдирувчи даъвогар шахсга таништириши;

зарур хужжатлар –ариза, шикоят, илтимоснома ва х.к. тузиши;

мазкур Битим (шартнома) бекор қилинганда дархол ишонч билдирувчи даъвогар шахсга иш бўйича ундан олинган барча хужжатларни, жумладан асл нусхаларни кайтариши;

конун хужжатлари талабларига, Урганч туман Хакамлик Суди судьясининг касб этикаси қоидаларига, Хакамлик судининг сири ва Судьялик касамёдига риоя этиши, ишонч билдирувчи даъвогар шахснинг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини химоя килишнинг конун билан такикланмаган воситалари хамда усулларидан фойдаланиши шарт.

**4. Ишонч билдирувчи шахс;**

Урганч туман Хакамлик Суди Судьясидан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларини аник ва ўз вактида бажаришини талаб килиш;

Урганч туман Хакамлик Суди Судьяси томонидан иш бўйича ишлаб чиқилган позицияга ўз таклифларини ва тузатишларини киритиш;

Урганч туман Хакамлик Суди Судьяси досьесида бўлган материаллар билан танишиш;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган юридик хизмат кўрсатиш хизматининг вазифаларини ижроси жараёни ушбу иш юзасидан ахборат олиш хукукига эга.

**5.Ишонч билдирувчи шахс;**

иш бўйича унга маълум бўлган барча хужжатларни Судга олиб келиб етказишда уни хабардор килиши;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларни бажаришга керак бўлган барча хужжатларни *(зарур бўлганда асл нусхаларини)* Судга тақдим этиши;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган вазифаларни бажариш билан боғлик бўлган Судьянинг барча, шу жумладан, транспорт (суткалик ва х.к.) харажатларни уз вактида тўлаши *(компенсация килиши)*;

мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган ҳақ суммасини ўз вактида ва тўлик хажмда Хакамлик Судининг банкдаги асосий хисоб рақамига пул ўтказиш, банк пластик карточкаси ёки накд пул кўринишида тўлаши (тўлаб бериши) шарт.

### III. Курсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс томонидан ҳақ тўлаш шартлари. Суднинг Битим (шартнома)ни бажариш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш тартиби ва миқдори.

6. Мазкур Битим (шартнома) билан белгиланган тартиб ва микдорларда ишонч билдирувчи даъвогар шахс, Хакамлик Судининг банкдаги асосий хисоб рақамига ҳақ тўлайди хамда хакамлик йиғим ва почта харажатларини компенсация қилади.

7. Хакамлик Судининг банкдаги асосий хисоб рақамига пул келиб тушгандан кейин ҳақ олиш тартиби Низомда белгиланган тартибда Битим (шартнома)ни бажариши билан боғлик харажатларини компенсация килиш ҳуқуқи учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

8. Хакамлик Битими (шартнома) суммаси Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳаққининг базавий хисоблаш микдорининг ________________ микдорида яъни хар бир техника учун **2.260.000,00 сўм**ни ташкил қилиб **1 (бир) дона (автопогрузчик)** махсус техникасига эгалик ҳуқуқини тиклаб олиш учун жами шартнома суммаси ***2.260.000,00 (икки миллион икки юз олтмиш минг) сўм*** *миқдорида* ***давлат божи ва 18900,00 (ўн саккиз минг тўққиз юз) сўм почта харажати*** тўланиши лозимдир.

Мазкур Битим (шартнома) тузишда аванснинг миқдори -------- сўм (________0,00______) сумни ташкил килади.

9. Ишонч билдирувчи даъвогар шахс Хакамлик Судидан сарф қилинган харажатларни тасдикловчи хужжатларни олган пайтдан бошлаб **3 (уч) банк** куни ичида тўлик хажмда унга мазкур Битим (шартнома)ни бажариш билан боғлик *(хакамлик йиғими ва почта харажатлари)*ни тўлашни ташкил килади.

10. Компенсация қиланадиган харажатлар йўл кира учун тўлов, шахсий автомобилдан фойдаланиш учун амортизацион харажатлар, таксида *(ёхуд ёлланган автомобилда)*ги йўл кира учун тўлов, телефон сўзлашувларга тўлов, канцелярия шунингдек, мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбарятларни бажариш билан боғлик бошқа харажатларни ўз ичига олади.

11. Хизмат сафарига оид харажатларни *(суткалик харажатлар, яшаш учун (турар жой ижараси буйича)* харажатлар, транспорт харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар ва х.к) микдори бир суткасига ________________ сўм (_______________________________________________________________________________________________________________________) сўмни ташкил килади.

12. Хакамлик Судига ҳақ тўлаш ва мазкур Битим (шартнома) бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлик бўлган харажатларни компенсация қилиш ишонч билдирувчи даъвогар шахс томонидан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда Хакамлик Судининг банкдаги асосий хисоб рақамига кирим қилиш ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV.Тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни хал этиш тартиби

13. Ишонч билдирувчи даъвогар шахс айби билан, шу жумладан, мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандларида кўрсатилган сабабларга кўра мазкур Битим (шартнома)ни бажарилишининг имконияти бўлмаса, имконияти бўлмаса, ёхуд ишонч билдирувчи даъвогар шахс мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандида назарда тутилган ўз мажбурятларини бажаришдан бош тортса (четга чикса) Судья мазкур Битим (шартнома) бўйича ишларни бажаришдан бош тортиши ҳамда унга тегишли ҳақни тўлашни, шунингдек мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандига мувофик у томонидан қилинган харажатларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

14. Мазкур Битим (шартнома)ни бажаришнинг имконсизлиги тарафларнинг бири хам жавоб бермайдиган холатлари бўйича юзага келса ишонч билдирувчи даъвогар шахс мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандларига мувофик Судьяга амалда бажрилган ишларни қисмига ҳақни ҳамда у томонидан амалда қилинган харажатларни қоплайди.

15. Ишонч билдирувчи даъвогар шахс томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандларида назарда тутилган тўловнинг суммасини ўз вактида тўламаса ёки умуман тўламаса, шунингдек у томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандида назарда тутилган ўз вазифаларини бажармаса ёхуд лозим даражада бажармаса, Суд ихтиёрига қараб мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбурятларини бажаришдан уни озод қилиши деб хисоблаши мумкинлигига Тарафлар ўзаро келишишади. Бунда, агарда ишонч билдирувчи даъвогар шахс томонидан мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни тўхтатиш максади тасдикланмаса, Суд мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган мажбуриятларни бажаришини давом этишга ҳакли *(лекин мажбур эмас)*. Бу холларда ишонч билдирувчи даъвогар шахс мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган шартларга мувофиқ тўловларни амалга ошириши шарт.

### V. Якунловчи коидалар.

16. Тарафлар ўртасида мавжул бўлган хар қандай оғзаки, лекин мазкур Битим (шартнома)да назарда тутилган келишувлар, мазкур Битим (шартнома) имзоланган пайтдан бошлаб юридик кучни йўқотади. Шу пайтдан бошлаб мазкур Битим (шартнома)ни бажарилиши билан боғлик низолар юзага келганда тарафлар мазкур Битим (шартнома) бўйича шундай келишуларни далил қилиш ҳуқукидан махрум қилинадилар.

17. Мазкур Битим (шартнома) ишонч билдирувчи даъвогар шахс томонидан мазкур Битим (шартнома)нинг айрим бандида назарда тутилган хатни ёки авансни тўлик ҳажмда кирим қилган пайтдан бошлаб кучга киради.

18. Мазкур Битим (шарнома) муддатидан олдин қуйидаги холларда бекор қилиниши мумкин: ишонч билдирувчи даъвогар шахс, мазкур Битим (шарнома)ни бажаришдан бир тарафлама бош тортганда; Қонунчилик мазкур Битим (шарнома)да назарда тутилган бошка холларда.

19. Мазкур Битим (шарнома) икки асл нусхаларда тузилади, улардан бири ишонч билдирувчи даъвогар шахс, иккинчиси Хакамлик Судининг ихтиёрида бўлади.

### VI. Тарафларнинг реквизитлари.

| | |
|---|---|
| **"ЎзХСА" Хоразм вилоят ваколатхонаси хузуридаги Урганч туман Хакамлик Суди**<br>**Урганч тумани Янгишовотйўли кўчаси 1А-уй.**<br>**Х/Р 20212000704899571001 Халк банк Урганч шахар бўлими Мфо: 00808. СТИР: 207112712**<br><br>**Судья:-** ________ **Д.Ж.Рахимова**<br>*м.ў.* *(имзо)* *(ф.и.ш)* | "…NCHTRANSGAZ" UNITAR KORXONASI<br>ISHLAB CHIQARISH TEXNIK BUTLASH VA TA'MINOT BOSHQARMASI<br>220500 Urganch tumani G`oybu qishlog`i<br>X/R: …0003006313385001<br>O'ZSANOATQURILISHBANK ATB XORAZM MINTAQAVIY FILIALI<br>MFO: 00853; INN: 201901803<br>OKED: 49500; Tel: (8 362) 223-03-53<br><br>________:- ________ ________<br>*м.ў.* *(имзо)* *(ф.и.ш)* |

1) Гл.инженер 2) Вед инженер 3) Вед. бухгалтер